# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT TUMANI HOKIMINING

# QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021-yil 18 - январ 80и-son Bog‘ot shaharchasi

**Боғот тумани “Октепа” маҳалла фуқаролар йиғини А.Навоий кўчаси 37-уйда яшовчи фуқаро Матназаров Ортикбой Атаназаровичнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ишонч телефонига 2020 йил 31 декабрдаги №693691/20-сонли қилган мурожаатини кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида.**

Боғот тумани ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Ш.Шариповнинг билдириш хатига асосан аниқланишича, Боғот тумани “Оқ тепа” маҳалласи А.Навоий кўчаси 37-уйда яшовчи фуқаро Матназаров Ортиқбой Отаназаровичнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ишонч телефонига 2020 йил 31 декабрдаги №693691/20-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович билан учрашишда ёрдам сўраб” – қилган мурожаати бўйича, 2021 йил 22 январь куни фуқаро О.Матназаровнинг 99-615-02-74 - рақамли шахсий мобиль телефонига қўнғирок қилиниб, мурожаат бўйича сухбатлашиш ва У билан учрашиш таклиф қилинганида, хозирда Тошкент шаҳрида эканлигинги ва туман ҳокимлигига кела олмаслигини ҳамда мақсади фақат Президент билан учрашиш эканлигини билдирди.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида” ги Қонунининг 30-моддаси 1-қисми 4-хатбошисида “Мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахси томонидан чақирилган мурожаат қилувчи келмай қолган тақдирда” мурожаат кўриб чиқилиши тугатилиши белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида” ги Қонунининг 30-моддаси 1-қисми 4-хатбошисига ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат хокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Ш.Шариповнинг билдириш хати инобатга олинсин.

2. Боғот тумани “Оқтепа” маҳалласи А.Навоий кўчаси 37-уйда яшовчи фуқаро Матназаров Ортиқбой Отаназаровичнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ишонч телефонига 2020 йил 31 декабрдаги №693691/20-сонли мурожаати Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида” ги Қонуннинг 30-моддаси 1-қисм, 4- хатбошига асосан тугатилсин.

3. Мазкур қарор ижросини таъминлаш туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Ш.Шарипов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари** **С.Қурбонов**

**Боғот тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Қурбоновга**

**Боғот тумани ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Ш.Шарипов томонидан**

**БИЛДИРИШ ХАТИ**

Сизга шуни ёзиб маълум қиламанки, Боғот тумани "Оқ тепа" маҳалласи А.Навоий кўчаси 37-уйда яшовчи фуқаро Матназаров Ортиқбой Отаназаровичнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ишонч телефонига 2020 йил 31 декабрдаги №693691/20-сонли "Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович билан учрашишда ёрдам сўраб" – қилган мурожаати бўйича, 2021 йил 22 январь куни фуқаро О.Матназаровнинг 99-615-02-74 - рақамли шахсий мобиль телефонига қўнғирок қилиниб, мурожаат бўйича суҳбатлашиш ва У билан учрашиш таклиф қилинганида, хозирда Тошкент шаҳрида эканлигинги ва туман ҳокимлигига кела олмаслигини ҳамда мақсади фақат Президент билан учрашиш эканлигини билдирди.

Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида" ги Қонунининг 30-моддаси 1-қисми 4-хатбошисида "Мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахси томонидан чақирилган мурожаат қилувчи келмай қолган тақдирда" мурожаат кўриб чиқилиши тугатилиши белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида" ги Қонунининг 30-моддаси 1-қисми 4-хатбошисига асосан тугатиш хақидаги қарорни тасдиқлаб беришингизни сўрайман.

**Боғот тумани ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари:** **Ш.Шарипов**